

Сайёр суд: 4 нафар шахс муддатидан илгари озод этилди



Ёшлар ўртасидаги муаммолар, хусусан, жиноятчиликнинг олдини олиш, билиб-билмай жиноят содир этган ёшлар билан тизимли ишлаш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун Жиноят ишлари бўйича туман суди ва Термиз туман Ички ишлар бўлими томонидан сайёр суд мажлиси ўтказилди.

Мазкур сайёр суд жараёнида пробация рўйхатида бўлган жазо муддатини ўтаётган, яхши хулқли, тузалиш йўлига кирган ва чин дилдан пушаймон бўлган маҳкумларнинг 4 нафари муддатидан илгари шартли равишда озод этилди.